

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА  
ТАЙЁРЛАШ АМАЛИЁТИ**

*Умарова З.А.*

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти*

*Аннотация:* мақолада бошланғич синф ўқувчиларини ихтисослаштирилган таълим муассасаларига тайёрлаш амалиёти таҳлил қилинган.

*Калит сўзлар:* бошланғич, таълим, синф, ўқувчи, муассаса, тайёрлаш, амалиёт, тажриба.

**PRACTICE FOR PREPARATION OF PRIMARY SCHOOL  
STUDENTS IN SPECIALIZED EDUCATIONAL INSTITUTIONS**

*Umarova Z.A.*

*Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region*

*Annotation:* The articles reflect on the issues of the practice of training primary school students in specialized educational institutions.

*Key words:* primary, education, class, students, institutions, training, practice, experience.

Бошланғич таълимнинг бугунги кундаги асосий вазифаларидан бири бу таълим ва тарбия жараёнининг амалий асосларига эришишдир. Шу жиҳатдан бошланғич синф ўқувчиларини ихтисослаштирилган таълим муассасаларига тайёрлаш *амалиёти* муҳим аҳамиятга эга. Бунда асосий мақсад—бошланғич синф ўқувчиларини ихтисослаштирилган таълим муассасаларига амалий тайёрлашдан иборат[1].

Бошланғич синф ўқувчиларини ихтисослаштирилган таълим муассасаларига тайёрлашнинг амалиёти асосларини бизнинг ёндашувимизга кўра, қуйидагилар ташкил этади:

- 1) ўқувчиларни йўналтириш;
- 2) ўқувчиларни қизиқтириш;

3) ўқувчиларни тайёрлаш ишини мониторинг қилиб бориш.

Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни ихтисослаштирилган таълим муассасаларига амалий жиҳатдан *йўналтириш* муҳим аҳамиятга эга. Бунда қуйидагиларга эътибор бериш кутилган самарани беради:

- ўқувчиларнинг лаёқатини аниқлаш;
- ўқувчиларнинг лаёқатини ривожлантириш;
- ўқувчиларни лаёқатли шахслар сифатида вояга етказиш.

Ўқувчиларнинг лаёқатини аниқлашда улар билан суҳбатлашиш ва берилган топшириқларни қандай бажарганлигини таҳлил қилиш методлари муҳим ҳисобланади, бу икки метод асосида ўқувчиларнинг лаёқати ва унинг даражасини кутилган даражада аниқлаш мумкин; ўқувчиларнинг лаёқатини ривожлантиришда ўқув фанлари ва тарбия жараёни имкониятларидан фойдаланиш методлари самарали ҳисобланади, мазкур икки метод асосида ўқувчиларнинг лаёқатини илмий-педагогик жиҳатдан ривожлантириш имкониятлари мавжуд; ўқувчиларни лаёқатли шахслар сифатида вояга етказишда уларни мустақил фикрлашга ўргатиш ва фикрини ифода қилиш олишга кўникириш методлари жуда самарали ҳисобланади, ушбу икки метод асосида ўқувчиларни лаёқатли шахслар сифатида тайёрлаш имкониятлари кенг[2]. Эътибор берилса, ўқувчиларнинг лаёқатини аниқлаш, ривожлантириш ва уларни лаёқатли шахс сифатида вояга етказиш билан ихтисослаштирилган таълим муассасаларига амалий тайёрлашга эришилади. Бунинг учун ўқув фанлари ўқитувчилари ва синф раҳбари фаол бўлиши керак.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларига бошланғич синф ўқувчиларини тайёрлашда *қизиқтириш* омили муҳим аҳамиятга эга. Бу омилдан кўп ҳолларда фақат билим олиш жараёнида фойдаланилади. Аслида бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни барча масалаларга қизиқтириш омилидан муваффақиятли фойдаланиш кутилган самарани беради. Шу жиҳатдан бошланғич синф ўқувчиларини ихтисослаштирилган

таълим муассасаларига амалий тайёрлаш жараёнида қизиқтириш омилидан қуйидагича фойдаланиш мақсалга мувофиқ бўлади:

- ўқувчиларнинг қизиқишларини аниқлаш;
- ўқувчиларни қизиқишлари бўйича ўқитувчиларга бириктириш;
- ўқувчиларда қизиқиш туйғусини муносиб таркиб топтириш.

Ўқувчиларнинг қизиқишларини аниқлашда “Мен яхши кўрган касб” мавзусида баён ва иншо ёздириш методи муҳим аҳамиятга эга, чунки ўқувчилар 3-4 синфларда баён ва иншо ёзиш билан кенг шуғулланишади; ўқувчиларни қизиқишлари бўйича ўқитувчиларга бириктиришда ўқув фанларини аниқ, табиий ва гуманитар туркумларга бўлиш методи муҳим аҳамиятга эга, чунки ўқувчиларнинг қизиқиш доираси айнан ана шу туркумли фанларга мос равишда намоён бўлади; ўқувчиларда қизиқиш туйғусини муносиб таркиб топтиришда уларни гуруҳларга бўлиб ишлаш методи кутилган самарани беради, негаки ўқувчилар ўз қизиқишлари нуктаи назаридан бир-бирларига ижобий таъсир кўрсатади. Диққат қилинса, қизиқиш омилининг имкониятларидан фойдаланиш билан бошланғич синф ўқувчиларини ихтисослаштирилган таълим муассасаларига амалий жиҳатдан самарали тайёрлашга эришиш мумкин.


Бошланғич синф ўқувчиларини ихтисослаштирилган таълим муассасаларига тайёрлаш амалиётида *мониторинг* механизми муҳим ўрин тутди. Бунинг учун қуйидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- амалий режага эга бўлиш;
- тайёрлаш жараёнини кузатиб бориш;
- ҳар бир синф охирида тайёрлаш натижаларини таҳлил қилиш.

Ўқув фанлари ўқитувчилари ва синф раҳбарининг бошланғич синф ўқувчиларини ихтисослаштирилган таълим муассасаларига тайёрлаш учун амалий режага эга бўлиши тақоза этилади, чунки режасиз бу ишни амалга ошириш мураккаб кечади; ўқувчиларни ихтисослаштирилган таълим муассасаларига режали тайёрлаб бориш жараёни кузатилиши керак, чунки

тайёрлаш жараёнининг самарадорлиги айнан кузатув воситасида аниқланади ва юзага келган муаммолар бартараф этилади; ҳар бир синф яқунида бошланғич синф ўқувчиларини ихтисослаштирилган таълим муассасаларига тайёрлаш натижалари таҳлил қилиниши керак, бу билан амалга оширилган ишлар тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлинади ва келгуси синфда амалга ошириладиган режанинг йўналишларига эга бўлинади. Диққат қилинса, мониторинг механизми бошланғич синф ўқувчиларида ихтисослаштирилган таълим муассасаларига тайёрлашда муҳим амалий омилларни беради [3].

Шундай қилиб бошланғич синф ўқувчиларини ихтисослаштирилган таълим муассасаларига тайёрлаш амалиёти ўзига хос хусусиятларга эгадир. Уларга амал қилиши билан қўйилган мақсадга эришиш мумкин. Эътибор беринг:



1-расм. Бошланғич синф ўқувчиларини ихтисослаштирилган таълим муассасаларига тайёрлаш амалиёти асослари

Мазкур масала бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Бошланғич синф ўқувчиларини ихтисослаштирилган таълим муассасаларига амалий тайёрлаш муҳим ўрин тутди.

2. Мазкур жараёнда ўқувчиларни йўналтиритиш ва қизиқтириш ҳамда амалга ошириладиган ишларни мониторинг қилиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

3. Ушбу масалаларни илмий таҳлил қилиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.//www.ziyonet.uz.

2. Педагогик фанидан изоҳли луғат. Ж.Хасанбоев ва бошқ. – Т.: “Фан ва технология”. 2009.

3. Умарова З. Бошланғич синф ўқувчиларида педагогик конфликтларни бартараф этиш. Т., 2021.

4. Umarova Z.A. Types Of Pedagogical Conflict In Primary School Students And Ways To Overcome Them. The American Journal of Social Science and Education Innovations (ISSN – 2689-100x) Published: April 30, 2021 | Pages: 454-460 Doi : <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume03Issue 04-72>

5. Umarova Z.A. Meaning of management primary education. ЭЛЕКТРОННОЕ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЕ ПЕРИОДИЧЕСКОЕ ИЗДАНИЕ www.iupr.ru "Экономика и социум" №11(90) 2021.

6. Umarova Z.A. “Boshlang’ichta’lim pedagogikasi” mazmuni. ЭЛЕКТРОННОЕ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЕ ПЕРИОДИЧЕСКОЕ ИЗДАНИЕ <http://www.iupr.ru> "Экономика и социум" ISSN: 2225-1545 №4 (83) 2021 С-933-938.